

**“Сув таъминоти ва оқава сув  
объектлари қурилиши бўйича  
инжинириг компанияси” УК  
Фаргона вилоят ҳудудий  
бошқармаси бошлиғи  
Р.Холикназаровга**

### **Техник шарт**

Сизнинг 2022-йил 26 октябрь кунги 495-сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022-йил 25 октябр кунги ПК-408 сонли қарорига асосан Бувайда тумани Элобод МФЙ кўчалари ҳудудида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидагиларни бажариш тавсия этилади.

### **Ичимлик сув бўйича**

Бувайда тумани Элобод МФЙ Элобод ва Фаровон ҳудуди аҳолисини бир кунлик сув сарфи 282 м<sup>3</sup> ҳисобланиб, **уланиш нуқтаси.1** Элобод МФЙ Элобод ва Фаровон ҳудудидаги мавжуд 1 дона тик ичимлик сув қудугини реконструкция қилиш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиха қувватидан келиб чиқиб 1 дона ичимлик сув минораси ўрнатиш ва “UZSUVTAMINOT” логотиби тушуриш, 1 дона шит каскад ўрнатиш.

**Уланиш нуқтаси.2** Элобод МФЙ Элобод ва Фаровон ҳудудидаги мавжуд калодец дан материали поэлетилен бўлган диаметри Ø-110 атмосфера босими 0.5 АТМ қувурдан лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан узунлиги 4 км бўлган ичимлик сув қувури тортиш замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНК, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда лойиха-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха-смета ҳужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

**“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ  
Бувайда тумани бўлими Бошлиғи:**

**Бош муҳандиси:**

**ИЧБ муҳандиси:**



**С.Дехқонов**

**Н.Оқбоев**

**О.Омонов**